

Ўзбекистон Республикаси ҳукмати ва Вестминстер университети жамоасини Тошкентда Халқаро Вестминстер университети таъсис этилиши муносабати билан қутлаш менга катта мамуният бахш этади. Мазкур университет Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда узоқни кўзлаб иш юритаётганидан далолатдир. Университет таъсис этилгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида талай ишлар амалга оширилди. Р.Азимовнинг ушбу жараённинг барча босқичларидаги саъй-ҳаракатларини таъкидламоқ жоиз. Ушбу умидбахш ва истиқболли лойиҳа бизга ҳамкорлик муносабатларини олий таълим тизимига оид умумий қарашлар асосида ривожлантириш имконини беради. Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университети бошқа олий ўқув юртлири учун намуна бўлиб хизмат қилади ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси талабаларининг интилишлариға мос келади. Университет очилишиға бағишланган маросимдан мамнун бўлганинғизға ишонмаман. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур университет фаолиятиға дахлдор бўлганларнинг барчасиға муваффақиятлар тилайман. Тони БЛЭР, Буюк Британия Бош вазири

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 7 май, чоршанба № 72 (1497)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КУЧ - БИЛИМ ВА МАЪРИФАТДА Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.

6 май куни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишиға бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Янги олий ўқув юртининг рамзий тасмаси Президент Ислам Каримов ва Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд иштирокида қилди.

Меҳмонлар замонавий услубда жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, компьютер, маънавий ва маърифат хоналарини кўздан кечирди.

Университетнинг конференциялар залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Халқаро Вестминстер университети ректори Абдужаббор Абдувоҳидов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги унутилмас ва ҳаяжонли воқеа - гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети

нинг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ривожланган эркин бозор иқтисодиёти тамойиллариға амал қиладиган, одамлар ҳаётини юксак даражаға кўтариш имконини берадиган демократик тизимнинг умумэтироф этилган халқаро мезонлариға эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу ўринда мен жаҳон таърибасида ўз тасдиғини топган бир ҳақиқатни айтиб ўтгани жоиз, деб биланам. Ҳаммамизға маълумки, илгари бирон-бир мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудратини ифодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритар эдик. Бугунги кунда дунё ривожланишининг шундай босқичиға қадам қўйдик, энди ҳар қайси давлат, ҳар қайси



миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси - бу билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти десак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, бизнинг бундай ўта муҳим омилни ҳисобга олмасликка ҳаққимиз йўқ. Чунки ўз олдимиға қўйган юксак вазифа ва марраларға эришишда замонавий билим ва таъриба соҳиб бўлган, янги фикрлайдиган ёшларимиз бизнинг асосий таянчимиз ва сунчимиздир, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Олдимиға турган буюк вазифаларни ечишининг асосий омилли, уларни ҳал қилишининг ягона шарти - том маънодаги баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш вояға етказишдан иборат. Юртимизнинг ёруғ келажагини, халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмасдан фаровон яшашини таъминлашға қаратилган бу вазифани адо этиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу маънода, Ислам Каримов, 1997 йили мамлакатимизда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури замирида ҳам таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларға мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, профессионал кўникмаларға эга бўлган инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мўжасам эканини эслатиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ватанимизға нафақат юқори малака катта мутахассислар, балки, умумбашарий мерос ва кадрларнинг замонавий билим ва тафаккур билан бойитишға қодир, ҳуқуқий-демократик жамиятда одамларнинг озод ва эркин яшашини, мустакил фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилишини ҳаётий зарурат, деб биладиган баркамол ёшлар керак.

Ҳозирги кунда ер юзид

интеграция ва глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи ғалда таълим соҳасини кенг қамраб олаётганиға барчамиз ғувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки бизнинг давримизда том маънодаги маърифат эгаси бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти ҳазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимға эга бўлади. Бунинг ичун фақат ўз юрти, ўз мамлакатида олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.

Шунинг учун ҳозир Ўзбекистонда таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласиға катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очик ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковат ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун бекиёс имкониятлар яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, аиникса, олий ўқув юртлирини битириб чиқаётган йигит-

қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, иш услубларини ўзлаштиришни, ўз фаолиятида илгор компьютер ва ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни талаб қилади. Бундай вазифа ва фаолият қирраланиш забот этиш, аввало, хорижий тилларни мукамал эгаллашни тақозо этади.

Шу боис биз Тошкентда янги олий таълим даргоҳи - Халқаро Вестминстер университети очилишини юқорида зикр этилган барча мақсадларимизға эришиш йўлида қўйилган ўта муҳим қадам, деб биламиз, - деди Ислам Каримов.

Ёшларимизнинг инглиз тилида таҳсил олиши орқали шу тилда сузлашувчи мамлакатларда, аввало, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида таълим соҳасида эришилган юксак даражаға чиқиш биз учун аиникса катта аҳамиятға молик.

Энг муҳими, биз бу орқали ўқув жараёниға Вестминстер университети каби жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлирида мавжуд бўлган таълим дастурлари ва андозаларини жорий этиш имконига эга бўламиз.

Ислам Каримов университет талабалариға бундай деди: - Бугун сизлар она диё-

рими Ўзбекистонда янги очилган Тошкент Халқаро Вестминстер университети бўлишдек олий бахтға мурассар бўлиб турибсиз. Мана шу ҳаяжонли лаҳзаларда барча устоз-мураббийларингиз, меҳрибон ота-оналарингиз қаторида мен ҳам сизларнинг дунёдаги энг қадимий университетлардан бирида таълим ва таҳсил олишингизни, унинг асрлар оша яшаб келаётган руҳи ва анъаналаридан баҳраманд бўлишингизни, чеҳраларингизда билим ва маърифатға сўнмас қизиқиш ва интилишлар акс этиб турганини кўриб, қалбим беихтиёр қувончға тўлмоқда.

Шуни унутмангки, сизларнинг билимли, доно, кучли ва албатта бахтли бўлишингиз учун давлатимиз, халқимиз ҳеч қачон ҳеч нарсани аямайди. Азим пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, юз йилдан зиёд тарихға, ўзига хос маданий ва меъморий аҳамиятға молик бўлган мухташам бинонинг тубдан қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёриға берилган ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари биз бугун дунёдаги барча халқлар билан ҳамкадам бўлиб яшашға интилар эканмиз, аини пайтда юртимиз ёшлари қадимий илдиларимизни, аждодларимизнинг ким эканини, улар жаҳон цивилизацияси тараққиётиға қандай баёбоҳ ҳисса қўшганини асло эсдан чиқармаслиғи лозимлигини таъкидлади.

Улмас ва ноёб асарлари билан баҳарият илм-фани ва маданияти тарихидан муносиб ўрин олган Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фаробий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Бериуний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир зотлар бизнинг буюк аждодларимиз экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу билан бирга, биз ана шу бекиёс маънавиятимизнинг инсоният қўлга киритган илгор билим ва таъриблар билан уйғун ҳолда ривож топишини истаймиз. Ва аинан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг олға боришимизда мухташам пойдевор бўлиб хизмат қилажак.

Республика товар-хомуш биржаси тадбиркорларға моддий-техника ресурсларини сотиш бўйича махсус кимовши савдолари ўтказишни амалиётға жорий этди. Тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти орқича харажатлардан қутулишға ёрдам беради, бунинг устиға нархлар ҳам биржадан ташқари бозордагидан кўра анча арзон.

(Давоми 2-бетда)

Республика товар-хомуш биржасининг баҳолаш рўйхатиға 40 дан орқик товарлар ва хомуш ресурслари киритилган. Бу нефт ва газ, металлургия ва қурилиш материаллари, енгил саноат ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари махсуслотларидир.

ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ТОВАРЛАР БАҲОЛАНАДИ

Юқори ликвидли материаллар: пахта толаси, тозаланган мис, қора металл буюмлар, шрот, сувоқтирилган газ ва талаб катта бўлган бошқа махсуслотлар мажбурий тарзда баҳоланади. Биржанин баҳолаш комиссияси раиси Евгений Слупковнинг фикрича, ҳар ҳафтада ўтказиладиган мажлисларда биржа савдоларида шакланган нархларини эмас, биржадан ташқари бозордаги нархлар ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқилади. Махсуслотнинг ў ёки бу турини баҳолаш ёхуд баҳолаш рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги қарор уларнинг нисбатига боғлиқ.

Йил бошидан буён биржа савдоларининг ягона электрон тизимида битимлар ҳажми 56 миллиард 989,9 миллион сўмини ташкил этди. Шартномаларнинг умумий сони 1806 таға этди. Уларнинг аксарияти кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасиға тўғри келади. Экспорт махсуслот жўнатиш ҳажмида катта ўсиш кузатишмоқда - 12394,95 миллион сўм, импорт эса - 20692,43 миллион сўм, республика ичидаги шартномалар 19290,59 миллион сўмини ва фьючерс шартномалари 4611,96 миллион сўмини ташкил этди. Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Жиззах бўлимлари бу ишға энг катта ҳисса қўшди.

Республика товар-хомуш биржаси тадбиркорларға моддий-техника ресурсларини сотиш бўйича махсус кимовши савдолари ўтказишни амалиётға жорий этди. Тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти орқича харажатлардан қутулишға ёрдам беради, бунинг устиға нархлар ҳам биржадан ташқари бозордагидан кўра анча арзон.

(ЎЗА)



КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Ишонч» газетасининг шу йил 15 март сониде босилган мақолада Пайарик туманидаги «Сохибкор» ширкат хўжалигидаги айрим камчиликлар танқид қилинганди.

Қуйида газета чиқишиға олинган жавоб хати билан танишасиз:

Мақолада кўрсатилган камчиликлар вилоят ҳокимлиги ва «Мевасабзавот» бирлашмаси мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, хўжалиқда 2002 йил ҳосили учун 94 гектар майдонға бошқоклидон, 165 гектар ерға чигит экилган бўлиб, йил якуни бўйича галлачиликдан 3281 минг сўм, пахтачиликдан 13120 минг сўм зарар кўрилган.

Хўжалик тоғолди зонасида жойлашганлиги, қўшим-

ча минерал, маҳаллий ўғит ҳамда ёқилғи мойлаш материаллари сарфланганлиги, сурункали ёмғир ёғиши натижасида 165 гектар пахта майдонининг 153 гектари бузиб, қайтадан экилганлиги таннаҳнинг ошиб кетишиға сабаб бўлган.

Бундан ташқари, хўжалик ҳудудида 6 километр узунликдаги дренаж ишлари бажарилганлиги ҳамда асосий экин майдонлари насос орқали суғорилганлиги сабабли харажатлар ошиб, маҳсулот таннаҳи кўпайиб кетган.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб, аини пайтда экин майдонлари фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Харажатлар меъёрини маромига келтириш бўйича чоратдбирлар белгиланди.

П.УСАРОВ, Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 9 апрел сониде «Болалар насибасиға чанг солганлар» сарлавҳаси остида чол этилган танқидий мақолада мактабча тарбия муассасаларида мурғакларнинг насибасиға чанг солаётган, уларнинг ризқини туя қилаётган кимсаларнинг кирдикорлари фож этилганди.

Ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди:

Вилоят прокуратураси молия ва банк идоралари билан ҳамкорликда халқ таълими тизимларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва қонуний сарфланиши устидан ўтказилган текширишларда айрим таълим муассасаларида молиявий қонунбузилишлар содир этилаётганлиқ ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, Гулистон шаҳридаги «Нилуфар» номли 27-сонли ва «Умид» номли 5-сонли болалар боғчаларининг озиқ-овқат махсуслотлари оғирчиликчи М.Зокорова, М.Садриева, Оқолтин туманидаги «Пахтаой» номли 2-сонли болалар боғчасининг оғирчиликчи М.Аблановалар камомадға йўл қўйганликлари аниқланган. Ҳар учала моддий жавобгар шахслар лавозимларидан четлатилиб, улар устидан жиноят иши кўзғатилган.

Прокуратура идораларининг текшириш якунлариға кўра бир неча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ва унинг қуйи ташкилотларида молиявий қонунбузилишларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қоникорсиз, деб топилди. Оқолтин тумани халқ таълими бўлими мудири Ҳ.Йўлдошевға, Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими мудири О.Йўлдошевға ҳайфсан эълон

қилинди. Шунингдек, бош ҳисобчи И.Назаровға ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдориде жарима солинди.

Молиявий қонунбузарликка йўл қўйган болалар боғчалари раҳбарларининг жавобгарлик масъулияти прокуратура идоралари томониде кўзғатилган жиноят ишлари якунлари бўйича қуриб чиқилиши белгилаб қўйилди.

С.ГУЛОМОВА, Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

ҚОНУНИЙ ТАСДИҒИНИ ТОПДИ

«Укинч» сарлавҳаси остида берилган танқидий мақолада Қўрғонтепа шаҳридаги «Соғлом авлод» хусусий тиббий корхонаси раҳбарлари томониде иш юритишдаги қонун-

бузарликлар, меҳнат муҳофазасидаги жиддий нуқсонлар хусусида фикр юритилганди.

Ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди: Мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича Қўрғонтепа туман прокуратураси текшириш ўтказди. Фуқаро М.Абдуллаева 2001 йилнинг ноябр ойида тумандаги «Соғлом авлод» хусусий корхонасиға фаррош вазифасиға ишға қабул қилинган бўлса-да, у билан меҳнат шартномаси тузилмаган ва меҳнат дафтарчаси юритилмаган. Натижада у 2001 йил 16 декабрда иш жойида оловдан қуйиш оқибатида тан жароҳати олган ва касалхонада даволанган. Бу фактлар қонуний тасдиғини топди.

Бундан ташқари, текшириш жараёнида мазкур корхонада ишлаб келаётган 8 нафар ходим билан ҳам меҳнат шартномалари тузилмаган, меҳнат дафтарчалари юритилмаган. Шунингдек, улар техника хавфсизлиги қондалари билан таништирилмаган. Бир сўз билан айтганда, корхонада меҳнат қонунчилигининг бузилишиға йўл қўйилган.

«Ишонч»ға жавоб берадилар

Узга бириктирилган вазифани лозим даражада бажармаганлиги учун туман марказий касалхонаси бош ҳақимининг ўринбосари М.Мирзааҳмедовни итизоимий жавобгарликка тортиш, шунингдек, марказий шифохона бош ҳақими ҳамда «Соғлом авлод» хусусий тиббий корхонаси бошлиғиға юқоридаги қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этилишини таъминлаш ҳақида тақдимномалар киритилди.

К.МАМАТОВ, Андижон вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Истиқлол ва истиқбол

ЎЗБЕКИСТОН ҚОРА ОЛТИНИ МУСТАҚИЛЛИК ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритганидан сўнг нефт ва газ саноати Ватанимиз халқ хўжалигининг устувор тармоғи сирасига киритилди ва уни барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилди.

Мамлакатда бош ислотчи сифатида майдонга чиққан давлатимиз бу тармоқни бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида, аввало тарқоқ бўлган нефт, газ, нефтни қайта ишлаш ва у билан боғлиқ соҳаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун нефтни қазиб олишдан тортиб то тайёр маҳсулотларни сотишгача бўлган жараёнини боғлаб туривчи узлуксиз занжирдан иборат ягона ишлаб чиқариш мажмуига бирлаштирди. Натичада, 1992 йили «Ўзбекнефтегаз» концерни юзага келди. Бу ташкилий жараён кейинги бошқичларда ҳам давом этди. У янада такомиллаштирилиб, нефт ва газ саноати Миллий корпорациясига, 1993 йилда эса «Ўзбекнефт» ва «Ўзбекгазсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмалари асосида «Ўзбекнефтгаз» газқазибчиқариш хиссдорлик бирлашмаси ташкил қилиниб, унинг таркибига 28 та корхона ва ташкилотлар бирлаштирилди.

Кенг қўламли бу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад Ватанимизнинг нефт мустақиллигини таъминлашдан иборат эди. Чунки нефт мустақиллигига эришиши Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий шу билан бирга катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов 1992 йили нефт саноатини тадрижий йўл билан бозор муносабатларига ўтказишни таъминлайдиган тузулмани қайта ўзгаришлар қилишнинг бир қатор стратегик йўлларини белгилаб берди. Жумладан, республика нефт мустақиллигини кўлга киритиш учун нефт ва газ конденсати қазиб олишни кескин кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида мазкур бойликларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини чуқурлаштириш энг муҳим вази-

лаш заводи қошида Американинг «Текасо» компанияси иштирокида Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тузилди ва Урта Осиё минтақаси давлатларига устун даражада экспорт қилинадиган йилга 50 минг тоннагача жаҳон стандартлари даражасидаги турли маркадаги индустриал мойлар чиқарила бошланди.

Умуман олганда, 1995-2000 йиллар давомида Ўзбекистон нефт-газ саноати иншоотлари қурилиши учун жалб қилинган хорижий сармоялар умумий миқдори 1,5 миллиард АКШ долларини ташкил этди.

Нефт-газ саноати тармоғига хорижий сармояларни жалб этиш бу билан чекланмади. Истиқболда республикамиз ҳудудидан нефт-газ маҳсулотлари олишни янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» компанияси Устюрт, Бухоро-Хива нефт-газ минтақалари, Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий қисми, Сурхондарё, Фарғона vodiysida нефт ва газ конларини излаш ишларига ҳам хорижий сармоялар жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда «Ўзбекнефтгаз» компанияси корхоналари ва ташкилотларида 86 минг нафардан зиёд мутахассислар, ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан 15 мингдан ортиги олий маълумотли юқори малакали мутахассислардир. Шунингдек, компанияда 100 дан ортқ фан докторлари ва номзодлари фаолият кўрсатмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг нефт ва газ саноати йиллик тармоқ сифатида ўзининг самарали фаолияти билан Ўзбекистон мустақиллигини ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Жума САМАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамаият қурилиши академияси тингловчиси

Ўзги соғломлаштиришга шаймисиз?

Мақтабларда ўқув йили якунланиб борапти. Шу боис болаларнинг ўзги таътилин уюштириш учун ҳозирдан тайёргарлик кўриш талаб этилади. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва касабая уюшмалари Кенгашининг апрел ойи бошида қабул қилган 2003 йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш тўғрисидаги қарориди вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган.

Яқинда вилоят ҳокимлигида ўтказилган йилгилишда бултурги мавсум якунлари чуқур таҳлил этилиб, амалга оширилиши лозим бўлган режалар дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан бозор иқтисодиёти шароитида оромгоҳлар боқимандалик кайфиятидан қутулиб, қисман ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши зарур.

Ўтган йили мавсумда 27 та оромгоҳда меҳнатқашларнинг 22 минг 900 нафардан ортқ фарзанди хордиқ чиқарди. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикасидан юз нафарга яқин, Бухоро вилоятидан 152 нафар ўғил-қизлар кўнгилли дам олдилар.

Муборак нефт ва газ конлари бошқармасига қарашли Китоб туманида жойлашган «Еш алангачи» оромгоҳида Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик корпуси томонидан иқтидорли болалар ўқув ва дам олиши ташкил этилди. «Мат-

шқадарётранс», «Матлуботсавдо», «Пахтаасаноатсотиш» хиссдорлик жамиятлари кенг қўламадаги ташкилий, тарбиявий ва хўжалик ишларини олиб бордилар. Яқунлар кўрсатиб турибдики, мавсумни муваффақиятли ўтказиш, оромгоҳлар фаолиятини му-

белгилади. Ўзининг иссиқ кунлари яқин. Лекин Чироччи туманидаги Амир Темур, Касбидаги Мусин номли, Яқкабоғдаги «Саховат», «Нихол», Китобдаги «Мингчирор», «Шабдада», Шахрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳларидаги тайёргар-

ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТИ ҲОКИМЛИК ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАЗОРАТИДА

луботсавдо» жамияти тасарруфидаги Й.Охунбобоев номли оромгоҳда Қарши ва Китоб «Меҳрибонлик уй»ларининг тарбияланувчилари бепул дам олдирилди.

Мавсумга тайёргарлик ва дам олишни ташкиллаштириш учун 485 миллион 54 минг сўм маблағ сарфланди. Шундан 222 миллион сўми давлат ижтимоий сугурта, 23 миллион сўми касабая уюшмалари ҳисобидан, 8 миллион сўми ота-оналар ва 234 миллион сўми ҳомий ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилди.

Болаларнинг мароқли хордиқ чиқариши учун ҳисса қўшган Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси, «Ўзбургунефт», «Шўртангаз» унитар шубъа корхонаси, «Қа-

вофиқлаштириш соҳасида қатор муаммоларни ҳам ҳал этишга тўғри келади. Айни пайтда корхона хўжалик ва ташкилотлар оромгоҳлардан 127 миллион, дам олиш масканлари эса хизмат кўрсатувчилардан 58 миллион сўм қарздор. Вилоят ҳокимлиги қарздорликни бартараф этиш, оромгоҳларга ҳар томонлама яхши ёрдам кўрсатиш учун мутасадди раҳбарларга қатъий топшириқлар берди.

Бу йилги режада 21 минг 500 нафар болани дам олдириш белгиланган. «Обод маҳалла йили» муносабати билан имкониятлар ҳисобга олиниб, мавжуд 24 та оромгоҳда дам олувчилар сонини 23 минг нафарга етказиш

қилинган.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши, ота-оналар вакиллари, оқсоқоллардан иборат тузилган комиссия жойларда бўлиб ҳақиқий аҳволни ўрганмоқда. Май ойининг биринчи ўн кунлигида ҳамма йўлланмалар тарқатилиб, маблағ тегишли ҳисоб рақамларига туширилади.

Касаба уюшмалари вилоят кенгашидан маълум қилишларича, бу йилги дам олиш мавсумини ўтказишга тармоқ кўмиталари ва бошланғич касабая уюшма ташкилотларининг фаоллиги янада ошди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бухоро вилоят хўжалик суди 2002 йилда 3117 та хўжалик низоларини ҳал этди.

Ўзбекистон Президентининг «Хўжалик субъектларининг иқтисодий лаёқатсизлиги ва шартнома мажбуриятларини бажаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Суд томонидан 170 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жарима миқдори салкам 2 миллион сўми ташкил этди. Шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисида 210 та иш қўрилди. Айбдорлардан 2,5 миллион сўм ундирилди. Айтиш жоизки, барча жарималар корхона хазинасидан эмас, балки раҳбарлар қўнғатидан тўланди.

Яна бир гап, давьогарлар қамайиш ўрниға йилдан-йилға кўпайиб бормоқда. 2002 йилда хусусий тадбиркорлар томонидан 77 та давьо қўзғатилди. Жавобгарлардан 276,5 миллион сўм ундирилди.

Кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан судға мурожаатлар сони қамийганиға қарамастан, ундирилган маблағ 3,3 марта ўсиб, 270 миллион сўми ташкил этди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналар фаолияти учун ҳуқуқий негиз барпо этилганлиги ва мулкдорлар синфининг шаклланаётганлиги кўрсатади.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Андижондаги ўлкашунослик музейида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой кўниға бағишлаб «Одамлар ва урушлар» кўргазмаси очилди. Кўргазма очилишидан мақсад одамлар эътиборини қўйидаги долзарб масалаға жалб этиш: «Ер юзиде тинчликни сақлаш, мамлакат иқтисодий қудратини ошириш ва ёш авлод тарбияси учун мен қандай ҳисса қўшяпман?»

Кўргазма томошабинларни уруш даҳшатлари, унинг оқибатлари, шунингдек кейинги йилларда халқимизнинг тинч осмон остида бажараётган бунёдкорлик ишлари билан таништиради.

«Туркистон-пресс»

Бухоро туманининг Работикалмоқ кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги Дехожи кишлоқдан кам таъминланган оилалар ижтимоий химья маркази иш бошлади.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ЙЎЛАБ

Фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Солиевнинг айтишича, марказ ўз фаолиятини кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни иш билан таъминлашға қаратмоқда. Ҳозир марказда ўн икки қиз зардўзликни ўрганяпти. Узок йиллар Бухородаги «Зардўз» хиссдорлик жамиятида ишлаб, катта таҳриба тўлаган Шаҳодат Болтаева уларға устозлик қилмоқда.

Марказдаги тиббиёт хонасида кекса беморлар даволанмоқда. Шунингдек, бу ерда ёш оилаларга маслаҳат беришчи мутахассислар, психолог хизмати йўлга қўйилган.

(ЎЗА)

Тадбиркорлик - тараққиёт таянчи

ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАНИ БЕШ БАРОБОР АРЗОН

Маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, унинг сифати ва арзон бўлишиға эришиш осон эмас. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, доимий изланиш талаб этилади. Олди-сотди билан машғул тижоратчидан фарқли ўлароқ тадбиркор бунёдкорлик, ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлади. Самарқандлик Парвез Шўқуров худди ана шу йўлни танлади.

Мулкдорлик туйғуси инсоннинг ташаббускорлик хислатларини рўйбега чиқаради. Дастлаб яқка тадбиркор сифатида иш бошлади. У тайёрлаган маҳсулотларға йил сайин талаб ошиб бораверади. Ўзининг доимий буюртмачилари пайдо бўлди. Уларнинг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш талаб этиларди.

Ўтган йилнинг бошларида бор сармомизни чамалаб, шахсий жағғармаларимизни бирлаштириб, «Пар-Импекс» корхонасини ташкил этдик, - дейди П.Шўқуров. - Бино сотиб олдик. Ҳозир 4 та цех ишлаб турибди. Уларда пайвандлаш, темир қирқиш, тикув дастгоҳлари бор. Металл ва ёғочдан идора учун жиҳозлар, стол-стул, спорт анжумлари, тренажёрлар, ҳатто тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқараяпмиз. Мақсадимиз бозорға арзон ва сифатли маҳсулот чиқариш.

Корхонада ўтган йили 26,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1,6 миллион сўм соф фойда қолди. «Пар-Импекс» корхонасининг маҳсулотлари ҳозир бутун республикамизда харид қилинмоқда.

Корхона республика «Ташаббус-2003» танловида қатнашиб, совринли ўрин соҳиб бўлди. Бу танлов тадбиркорлар учун ўз фаолиятларини сарҳисоб қилиш мезонини ҳамда маҳсулотларини реклама қилиш имкониятини берди. Янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатилди. Шартномалар тузилди.

Ҳозир корхонада тиббиёт мутахассислари билан биргаликда тиббий операция столи ишлаб чиқариш бошланди. Бу жиҳоз илгари четдан ҳар бири 15 миллион сўмға келтирилди. Ўзимизда тайёрлангани қарийб 5 баравар арзон тушади.

РАИС ХАТОСИНИ ТАН ОЛДИ

Маълумки, 90-йилларнинг бошларида ҳамма жойда ёғочдан дарахт ниҳолларини ўтказиш, парваришлашға оммавий равишда киришилганди. Бу ҳаракатнинг замирида уй-жой қурувчиларни иморатға мос ёғоч-тахта ашёлари билан таъминлаш мақсади мутасадди ҳисса берди. Ана шу вақтда Жомбой туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғида ҳам теразорлар барпо қилиш бошланди. Хўжалик еридан 2 гектар майдон ажратилиб, бу ер хўжалик азёоси Нурали Раizzoқовға шартнома асосида ижара берилди.

Доимий иш топилганидан қувонган Н.Раizzoқов астойдил ишға киришди. Унга бобоси Р.Пирназаров ёрдамға келди. Икковлон 2 гектар ерда меҳнат қилиб, ниҳол ўтказиб, теразорни парвариш қилишди. Ниҳон ниҳолларни пайхондан асраб, ёғочбоп ҳолиға келтиришнинг ўзи бўлмади. Хар ҳолда у

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

2003 йил — Обод маҳалла йили

Обод маҳалла йили муносабати билан Мирзо Улўғбек туманида эзгу ишлар амалға оширилмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида 49 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда кенг миқёсда ободончилик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Жойларда аҳоли учун зарур бўлган чойхона, сартарошхона ва бошқа майиш хизмат кўрсатиш шохобчалари иш юритмоқда. Шунини таъкидлаш ўринлики, туманда йил давомида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий йўлларнинг икки четига турли хил дарахт кўчатлари, гуллар экилиб, ўзгача манзара кашф этилди. Бу иш аҳолининг бевосита саяҳат-харақати ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар иштирокида олиб борилди.

Туманда 274 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида иш ташкил этилгани му-

хим аҳамият касб этаётир, - дейди туман «Маҳалла» жағғармаси раиси муовини Олдуз Эшматов. — Унга асосан маҳаллада ободонлаштириш ишларини олиб

учун «Дархон», «Туркистон» ва Х. Абдуллаев номли маҳаллаларда майиш хизмат шохобчалари ташкил этилган. Ҳамма жойда бўлганидек, аҳолини иш билан

ларининг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий билимларини ошириш мақсадида тез-тез ўқув-семинар ва учрашувлар ўтказиб турилади. А.Темур ва Ш.Бурхонов номли, «Оқибат» маҳаллаларида туман прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодимлари ва жамоат ташкилотлари иштирокида суҳбатлар уюштирилиб турилади.

Туманда кам таъминланган 121 та оила мавжуд. Уларға жорий йилнинг биринчи чорағида 13 миллион 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 876 та оилаға тиббий ёрдам кўрсатилиб, 47 нафар ногирон сиҳатгоҳларда даволаниб қайтди.

Ўтказиладиган тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар аҳолининг моддий имкониятидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғини иштирокида тартибли ўтказилади.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

бормоқдамиз. Жумладан, 80 минг туп гул ва 5 минг туп турли хил дарахт кўчатлари экилди.

Бу ерда 4 та олийгоҳ, 17 та ўрта махсус ўқув юртлари, қўллаб-мақтаблар, 4 та спорт мактаби ва 271 та спорт иншоотлари мавжуд. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида ҳам ишлар талаб даражасида ташкил этилган. Туманда 17 та шифо масканлари маҳалла фуқароларига хизмат кўрсатмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш

таъминлаш долзарб масалалардан бири. Уни бартараф этишда ҳокимлик, фуқаролар йиғини ва меҳнат биржаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. «Бўз-8» маҳалласида мавжуд тикув цехи маҳалла тасарруфиға ўтказилиб, аҳолининг маълум бир қисми иш билан таъминланди. «Янги ҳаёт» маҳалласида фермер хўжалиғи ташкил этилиши ҳам айни мuddао бўлди. Бу ерда ўн нафар киши ишли бўлди.

Маҳалла оқсоқоллари ва фаол-

ФИРМА ТЕНДЕРДА ЮТДИ

«Лочин» хусусий Фирмаси Избоскан Туманидаги Тўртқўл кишлоқдаги Кишлоқ врачлик пунктини қуриш бўйича 54 миллион сўмлик тендерда ғолиб чиқди.

Иккита қурилиш бригадаси ташкил этилди, - деди фирма директори Собиржон Абдурахимов «Туркистон-пресс» мухбирига. Шифо масканини республика мустақиллиғи байрамигача қуриб топширишимиз керак.

С. Абдурахимовнинг айтишича, етмиш киши ишлаётган мазкур фирма вилоятдаги қурилиш ташкилотлари ва хўжаликлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Қулай нархлар ва техника етказиб берилмоқда. Айни пайтда корхонада ёғоч тилиш ва дераза ромлари, эшиклар ишлаб чиқарувчи цех ишға тушди. Бу эса ишчилар сонини яна 15 тага кўпайтиришға имкон берди. Фирма шунингдек, мебел гарнитурлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда. Ўтган йили бу ерда мактаб ва коллежлар учун 250 миллион сўмлик мебеллар тайёрланган эди.

«Туркистон-пресс»



2003 йил — обод маҳалла йили. Шундай экан, маҳаллани обод қилиш, кўчаларга айланатириш ҳар бири-мизнинг бурҷялиғи. Шу боис, жарқўрғонликлар бу борада ўрнатилган ишларни бошлашган. Хар бир маҳаллада кулайликлар яратилиб, аҳолининг иссиқ-соғундан хабар олиш, маҳалла тинчлигини таъминлаш уларнинг асосий вазифасиға айланмоқда.

Тумандаги Алишер Навоий жамоа хўжалиғининг «Минор» қишлоғининг фуқаролар йиғиниға 9 та маҳалла бирлашган. Уларда 23536 фуқаро истиқомат қилади. Маҳаллалар газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Ўтган йили «Жарқўрғон» минораси олдида маҳалла гузарни барпо этилган эди. Унда савдо дўконлари сартарошхона, устaxonа, ошxonа, тикувчилик цехи ишлаб турибди. Бу эса хар жиҳатдан аҳолиға кулайлик туғдирмоқда.

Суратда: «Минор» маҳалла гузарни

Искандар ХУЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Инсон хотираси муқаддас

ОДАМЛАР ҚАЛБИДА ЯХШИЛИК

Юртимизда сўлим баҳор кезиб юрибди. Одамлар қалбида янги орзу-умидлар, яхшиликка ишонч тўйғуларни кўртак ёзмақда. Дарвоқе, бу галги баҳор менга гоят кимматли. Зотан, у талабалик даврининг сўнги баҳори: тезда олийгоҳ дипломини кўлга олиб, муस्ताқил ҳаётга қадам ташлайман. Лекин, негадир, кўнглимда қандайдир кемтиклик бордек туюлаверади. Такдири, Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга киришимга сабабчи бўлган инсон — забардаст олим, яқин маслаҳатгўйим, меҳрибон бобожим Иброҳим Хамроев бугун йўқ.

янги кашф этилган моддага Халқаро минерологлар ассоциацияси томонидан Khamrabaevit деб ном берилиши халқимизнинг юксак ғурур ва ифтихоридир. Шу боис бўлса керак, бобомнинг табарруқ 80 ёшлиқ юбилей тўйларида халқ шоири Пўлат Мўмин шундай сатрларни битган экан:

...Бундан олти йил муқаддам, геологлар кунда мен, ҳали болаликнинг беғам, ўнбоки оламидан чиқа олмаган шўх-шаддоқ кизалоқ табриклаш учун бобомникига боргандим. У киши ҳамкасблари, шоғирдлари даврасида кизгин сўхбат қилиб ўтирган эканлар. Ҳар галгидек сўхбатга чорлаб, мендан «Қайси олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчисан?» дея сўрадилар. Мен эса бобомни эъзозлаб, катта хурмат-эҳтиром кўрсатиб келган, у кишига ҳавас ва меҳр билан боқиб турган шоғирдларига назарим тушиб, «Сиз ўқиган институтга кирман, тарихчи бобом Хайрулла Носиров сингари олим бўламан», деб жавоб бердим. Бобом эса шундай ўғит бердилар: «Ниятинг амалга ошин, кизим. Фақат тарихчининг масъулияти катта, сен фақат ҳақиқатни айти билишинг керак. Ҳалол, тўғриси, самимий бўлсанг, сендан ҳақиқий тарихчи чиқади».

факультетига ўқишга кирдим. Бу икки улуғ инсон ўз йўлини танлашда, қиём, йинчиликлардан кўркмай олға ҳаракат қилганимда мучин рол ўйнади. ...Бугун университет ҳовлисида кета туриб худди Иброҳим бобомники каби сочлари оппоқ бир домлани кўриб қолдим. Кўнглимни қандайдир англаб бўлмас тўйғулар қўтиклади, негадир изидан боргим келди. Дарвоқе, бобом олим сифатида ҳам, одам сифатида ҳам забардаст эдилар. Салкам 40 йил ЎзРФАнинг Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтига раҳбарлик қилган олим тўрт юздан ошмиқ илмий асарлар яратди. Ўнлаб иқтидорли шоғирдлар етиштирди. У атрафдагиларга, айниқса, шоғирдларига меҳрибон, ўта самимий эди. Бир сўз билан айтганда, Иброҳим Хамроевнинг сермашаққат, айни вақтда ниҳоятда кизикарли ҳаёт йўли мамлакатимизда геология фани тараққиёти билан уйғунлашиб кетган. Зеро, Мурунтов, Чармитон, Томдубулоқ олтин қонларини аниқлаган олим меҳнатларининг жаҳон илм-фани аҳли томонидан эътироф этилиши —

Ойдинхон БАХТИЁРЗОДА



Йўл қондаси — умр фойдаси

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Бундан ўттиз йил аввал Тошкент ва Сиятл шаҳарлари ўртасида яқин алоқалар бошланган эди. Америкадаги бу Сиятл шаҳри билан ҳамкорлик шу давр ичнда анча мустақамланган. Улар бирдарахшган шаҳарлар янглиғ қадр топди.

Борди-келди алоқалари иқтисодий, маданий соҳалари ривож учун ҳам мучин омили бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, Сиятл шаҳрида Тошкент шаҳрининг инвестицион имкониятлари деган мавзудаги бизнес-семинарнинг ўтказилиши ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболларини очиб берди. Ҳар иккала шаҳар ўртасида тадбиркорликни, савдо-сотиқни йўлга қўйиш тадбирлари белгиланди. Яна бир эътиборли лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда. Тошкент ҳайвонот боғи билан Сиятлнинг «Вулвэнд парк» ҳайвонот боғи ўртасида ҳамкорлик қаратилган бу лойиҳа доирасида илмий, ветеринария ва техникавий алоқалар кўчядаи.

Ноёб кушлар ва ҳайвонлар билан фауна боғини тўлдириб ҳам кўзда тутилди. **А.АЛИЕВ**

ҲУШЁРЛИК ҲАМИША КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан республикамизда йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш бўйича «Йўл ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» тадбири ўтказилмоқда. Бу тадбирда Сурхондарё вилояти аҳли ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Мазкур тадбир ҳар йили ўтказилади, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Сафар Эшонқулов. — Бундан кўзланган мақсад йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш. Шунга монанд, аҳоли гавжум жойларда 2544 та тарғиботчиликка оид ишоралар илиб қўйилди. Ҳаракатланув ҳодаларига риоя қилиш бўйича 3148 та

УМИД НИҲОЛЛАРИ БАХТИЁР ЁШЛАР

Нурота туманидаги 7-мактаб-интернатда 232 нафар чўпон болалари ва кам таъминланган оила фарзандлари таълим-тарбия олмақда. Мактабда ўқувчи-ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб камолга етишлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

Айниқса, мактаб-интернат маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқувчиларнинг жисмоний баркамоллигига катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда «Кўноқ стартлар», «Эпчил, қаққон бўлинг» деб номланган синфлараро мусобақалар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Яқинда ана шундай мусобақалардан бири — шоир Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган беллашулар ташкил этилди. Ўқувчилар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол турлари бўйича баҳслашдилар. Гоёт қизиқарили утган мусобақа катнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қароридан сўнг махсус тадбирлар режаси тузилиб, мактаб-интернат етарли даражада спорт анжомлари билан таъминланди. Шу боис ҳам мактаб ўқувчилари «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Масалан, улардан икки нафари — Ш.Мустофоев, Д.Қаюмовлар республика босқичида спортнинг волейбол тури бўйича вилоят шарафини ҳимоя қилишди.

Шоҳруҳ САРИЕВ

МУСОБАҚАЛАРГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Урганчдаги бир неча очик майдонларда бир пайтнинг ўзида келаси ҳафта Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» республика ўйинларининг тантанали очилиш маросими ва унинг иштирокчиларини кутиб олишга ҳозирлик қўрилмоқда. Тайёрланаётган дастур ташкилотчиларининг сўзларига кўра, ўшбу тадбир спорт ва соғлом болаликка бағишланган катта ҳамда ажойиб байрам бўлади.

(ЎЗА)

Рейтинг

Халқаро футбол статистикаси ва тарихи федерацияси энг кучли футбол клубларининг 1-майгача бўлган рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, кейинги пайтларда анча муваффақиятли тўп сураётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 61-поғонага кўтарилиб олди. Бунгача пахтакорчилар саксонинчи ўриндан жой олганди.

«ПАХТАКОР» КУЧЛИЛАР СИРАСИДА

«Пахтакор»нинг рейтинг кўтарилишида жамоанинг Осие чемпионлар лигасидаги ишончли ўйини сабаб бўлди. Агар тошкентликлар Осие чемпионлар лигаси финалига йўлланма олганида, жамоа жадвалда янада юқорилашти тайин эди. Лекин шундай бўлса-да, Россиянинг «Локомотив», «Спартак» ҳамда «ЦСКА» каби номдор жамоаларини орда қолдирган «Пахтакор» қиъғамизнинг етакчи клубларидан бирига айланди.

Рейтинг жадвалда биринчи ўринни Мадриднинг «Реал» жамоаси эгаллаб турибди. Шунингдек, кучли учликдан «Милан» (Италия) ҳамда «Манчестер Юнайтед» (Англия) жой олган. Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари чемпионатларида иштирок этувчи жамоалардан фақатгина ҳамюртимиз М.Шақчих тўп сураётган Киевнинг «Динамо»си «Пахтакор»дан юқориди. Украинликлар жадвалнинг 33-поғонасида.



Шаҳрисабз шаҳридаги маданият саройида қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, янги ҳаёт бўсағасида турган келин-куёвлар иштирокида ўтказилган анжуман тиббий маданият ривожини, обод маҳалла, соғлом ва ҳар томонлама етук оилани шакллантиришга бағишланди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Холбоева ва бошқа сўзга чиққан маърузачилар оила, оналик ва болаликни мустақамлаш, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий саводхонликни ошириш ҳусусида сўзлаб бердилар. Яна бир ибратли томони тизим катнашчилари шаҳар ва туманда олиб борилаётган амалий тажрибалар билан танишдилар.

Оила жамиятининг асосий бўғини. Ўзбекистон Конституциясининг XIX боби «Оила» деб номланган. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари ва жамғармалар ҳамкорлигида Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий манфаатларини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар қўриляпти.



ҚАЛБИНИ ҒЪЗАЛЛИККА ТўЛСИН, БОЛАЖОН!

Қалбинг ғўзалликка тўлсин, болажон, Ғўзаллик ҳамроҳинг бўлсин бир умр. Навоизи айласин табиат ҳар он, Сен билан бу олам латиф, сулувдир.

Шавкат СУЛТОН, сурат лавҳаси

383 миллион сўмлик, 12 нафар фермер аёлларга банклар томонидан 56 миллион 700 минг сўмлик кредитлар берилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлик ҳаракатиға кенг жалб қилинган. Белгиланган режаға мувофиқ жорий йилнинг ўтган ойларида 57 нафар хотин-қизларга 135 миллион 294 минг сўмлик кредитлар ажратилди ва шунинг қисмига 221 та янги иш ўрини яратилди.

Касби, Ғузор, Қамаш, Чироқчи, Дехқонобод туманларида шифокорлар ва фаоллар иштирокида йиғилишлар, урчушулар, давра сўхбатлари, даволаш профилактика ишлари уюштирилди.

Усмир қизлар саломатлигини сақлаш учун вилоятда 18 нафар генетолог врачлар тайёрланган. Улар болалар боғчалари, мактаб, лицей, коллежларда бўлиб, воёга етмаган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишга йўналтирилди.

БАРКАМОЛ ОИЛА АСОСИ

рилади, эндокринолог, генетик, невропатолог шифокорлар кўриқдан ўтказилди. Олинган ҳулосаларға асосланиб бўлғуси оналарға зарур тавсиялар берилди.

ланувчилари ҳолидан хабар олиниб, уларға кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилляпти. Ҳозирча ҳам даромадли оилаларнинг фарзандларидан 300 нафарига дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Яқабоб туманидаги «Саховат» уйда яшаётган аёллардан 48 тасига соғалар топширилди. Шаҳар туман хотин-қизлар кўмиталари ёлғиз кексалар ва ногиронлардан 500 нафарига 2 миллион 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдилар.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорня Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30

Манъасимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли ғувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичимин А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.